

11- Мавзу: Бюджет- солиқ сиёсати

Режа

- 1. Бюджет –солиқ сиёсатининг моҳияти ва усуллари.**
- 2. Давлат харажатлари, солиқ ва баланслашган бюджет мультипликаторлари.**
- 3. Дискрет ва нодискрет фискаль сиёсат. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги.**
- 4. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ сиёсати ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида унинг хусусиятлари.**

- **Бюджет-солиқ сиёсати деганда ноинфляцион ЯИМ ишлаб чиқариш шароитида иқтисодиётда тўлиқ бандлиликни, тўлов балансининг мувозанатини ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган давлат харажатлари ва солиқларини ўзгартиришни ўз ичига олган чора тадбирлар тушунилади.**

- Иқтисодиёт турғунлик ёки пасайиш даврида бўлган вазиятларда давлат томонидан **рағбатлантувчи фискал сиёсат-фискал экспансия** олиб борилади.

- Қисқа муддатли даврда бюджет-солиқ сиёсати давлат харажатлари, солиқ ва баланслашган бюджет мультипликаторлари самараси таъсири остида бўлади.

$$\Delta G \uparrow \rightarrow \Delta E \uparrow (\Delta E_{қ\Delta C}) \rightarrow \uparrow \Delta Y (\Delta Y = \Delta C \times mg)$$

Харажатлардаги озрок ўзгариш
даромадлардаги ундан анча катта
бўлган, ўзгаришни келтириб чиқаради
ва

$\Delta Y / \Delta E = 1 / (1 - b)$ бўлади, бундан

$$\Delta Y = \Delta E \times (1 / (1 - b)) = \Delta E \times m$$

Солиққа тортиш ҳисобга олинмаганда ёпиқ иқтисодиёт учун давлат харажатлари мультипликатори ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажмини қуйидаги тенгламалар системасини ечиш орқали топиш мумкин:

$$Y=C+I+G$$

$$C=a+bY$$

Бу ерда: $Y=C+I+G$ – ёпиқ иқтисодиёт учун асосий макроиқтисодий айният;

Тенгламалар системасини Y учун ечиб қуйидаги
натижани оламиз:

1

$$Y = \frac{1}{1-b} (a+I+G);$$


1-b

Бу ерда: $1/(1-b)$ – ёпиқ иқтисодиётда солиққа
тортиш ҳисобга олинмаган вазиятда
харажатлар мультипликатори;

$(a+I+G)$ – автоном харажатлар;

$b=MPС$ – истемолга чегараланган мойиллик
бўлиб мультипликатор миқдорини белгиловчи
асосий омилдир.

Давлат харажатлари ўзгаришининг мультипликатив самараси



Солиққа тортиш ҳисобга олинганда истеъмол функцияси ўзгаради ва

$C = a + b(1-t)Y$ кўринишни олади. Бунини асосий макроиқтисодий айниятга қўйиб ечсак, қуйидаги натижани оламиз:

$$Y = \frac{1}{1 - b(1-t)} (a + I + G)$$

Бу ерда:

$1 / (1-b(1-t))$ – ёпик иқтисодиётда
харажатлар мультипликатори;

t – чегаравий солиқ ставкаси.

$$t = \Delta Y / \Delta T$$

Бу ерда: ΔT – тўланадиган солиқлар
миқдорининг ўсиши;

ΔY – даромадларнинг ўсиши.

Очиқ иқтисодиётда давлат харажатлари
 мультипликатор ва мувозанатли ишлаб чиқариш
 ҳажми қуйидаги тенгламалар системасини ечиб
 топилади:

$$Y = C + I + G + X_n$$

$$C = a + b(1-t) \times Y$$

$$X_n = g + m'Y$$

(2) ва (3) тенгламаларни асосий макроиқтисодий айниятга
 қўйиб, ечсак қуйидаги ечимга эга бўламиз:

1

$$Y = \frac{1}{1(1-b(1-t)+m')} (a+I+G+g)$$

$$1(1-b(1-t)+m')$$

1 / 1(1-b(1-t)+m' очиқ иқтисодиётда давлат харажатлар
 мультипликатори.

Солиқ мультипликация самараси давлат харажатлари сингари солиқларнинг бир марта ўзгариши оқибатида истеъмолнинг бир неча бор ўзгаришига боқлиқ.

$$\begin{aligned}
 T \downarrow (\Delta T) &\Leftrightarrow Y_d \uparrow (\Delta Y_d = -\Delta T) \Leftrightarrow C \uparrow (\Delta C = b(-\Delta T)) \\
 &\Leftrightarrow E \uparrow (\Delta E = b(-\Delta T)) \Leftrightarrow Y \uparrow (\Delta Y = b(-\Delta T)) \Leftrightarrow C \uparrow \\
 &(\Delta C = b(b(-\Delta T))) \Leftrightarrow E \uparrow (\Delta E = b^2(-\Delta T)) \Leftrightarrow Y \uparrow \\
 &(\Delta Y = b^2(-\Delta T)) \Leftrightarrow \\
 &\Leftrightarrow C \uparrow (\Delta C = b(b^2(-\Delta T))) \text{ ва ҳ.к.}
 \end{aligned}$$

Демак, солиқ мультипликаторини
қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$\frac{\Delta Y}{\Delta T} = \frac{-b}{1-b}$$

Агар давлат бюджетига барча солиқ тушумлари жорий даромад– Y динамикасига боғлиқ деб ҳисобласак солиқ функцияси $T = tY$ – кўринишни олади. Бу ҳолатда истеъмол функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$C = a + b(Y - tY) = a + b(1 - t) Y$$